



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Дўстни, ёрни
кўнглига қараб,
ҳамкор ва
ўринбосарларни
эса маҳорати,
билими ва
салоҳиятига қараб
танлаш лозим

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 22-iyun, seshanba, 72 (23.508)-son

«Ташаббус – 2021»



Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган "Ташаббус-2021" кўрик-танлови республика босқичида "Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори" йўналиши бўйича ғолиб бўлган "Ургут саноат сервис" оилавий корхонаси раҳбари Фазлиддинхон Салимовга вилоят ҳокимлигининг ташаккурномаси топширилди.

Аслида Оқдарёга «Аёллар дафтари» бўйича амалга оширилган ишларни ёритиш мақсадида боргандим. Аммо кўрганларим фақатгина қийналган аёлларга кўрсатилаётган ёрдам нечоғлик экани билан чекланмади. Қарийб тўқилиб кетаман, деган уйларида яшаётган, ногиронликка чиқарилишига «имкон берилган» хотин-қизлар, Россияда ишлаб келган бор пулини тадбиркорликка тиккан, Илон Маскка мактуб ёзган, 82 ёшида қўшиқ айтиб, ҳаётдан завқланиб яшаётган онахон ва бошқалар билан учрашдим, суҳбатладим, фикрлари, хулосаларини эшитдим... «Аёллар дафтари»га киришга ошқабатганлар, ушбу рўйхатга қўшилиб қолганидан уялган аёлларни кўрдим.

Ушбу «саргузашт»ларни сўзлаб беришдан олдин тумандаги «Аёллар дафтари» билан боғлиқ баъзи рақамларни келтириб ўтсак.
- 35 та маҳаллани ўз ичига олган туманимизда йил бошдан бошлаб 1321 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилганди, - дейди Оқдарё туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими раҳбари Юлдуз Уроқова. - Айни кунга қадар жами 900 нафарга яқин аёллар ушбу дафтардан чиқарилиди. Алоҳида таъкиллаш керакки, туман Кенгаши сессияларида депутатлар томонидан маъқуллангачина ушбу рўйхатдан аёлларни чиқариш мумкин. Яъни, ўз хоҳишимизга

ИЛОН МАСККА МАКТУБ ЁЗГАН

ОҚДАРЁЛИК ТАДБИРКОР ОИЛА

туман «Аёллар дафтари»га таъсир ўтказгани ростми?

кўра, рўйхатдан аҳолини чиқара олмаймиз. Хўш, мазкур дафтардан аёллар қандай чиқди? Улар орасида боқувчисини йўқотган, имконияти чекланган аёллар мавжуд бўлиб, аҳоли, яшаш шaroити унчалик оғир бўлмаганларига бир марталик моддий ёрдам ажратилди. Ушбу аёлларнинг барчаси тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилиб, 144 нафарига тиббий йўналишда мақсадли ёрдам кўрсатилди. Яъни, дори-дармон олиб берилиб, вилоят, республика шифохоналарида даволашни учун ордерлар тадқим этилди. Аҳоли оғир, тиббий ёрдам кўрсатиш имкони бўлмаганларининг ҳолидан хабар олинди, моддий ёрдам кўрсатилди.

Уй-жойга муҳтож хотин-қизларнинг 24 нафари рўйхатга олинди, уларнинг 3 нафари ижтимоий уйга жойлаштирилди. Икки нафар оғир аҳволдаги аёлларга туман ҳокими ташаббуси билан, хомийлик асосида уй қуриб берилмоқда.
Шунингдек, 301 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди, 272 нафарига кредит ажратилди, 42 нафарига томорқасида ишлаши учун кўмак кўрсатилди. 4 маҳаллада мини цех ташкил этилиб, унда 20 нафар хотин-қизлар иш билан таъминланди. 184 нафар хотин-қизга тикув машиналари берилди.

2-саҳифа >>>

Фикри теран ҳар бир киши ҳаётимизга одилонга назар ташласа, мустақиллик даврида, хусусан, кейинги 4-5 йил ичида мамлакатда рўй берган ижобий ўзгаришларни англаб олиши қийин эмас. Халқимиз турли синов ва машаққатларни мардона енгиб, катта тараққиёт босқичларини босиб ўтмоқда.

Беш йилда Самарқанд иқтисодиёти қанча ўсди?



Давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган оқилона сиёсат, ўз вақтида қабул қилинган фармон ва қарорлар ҳамда бу борада белгиланган чора-тадбирлар натижасида барча соҳаларда юксак ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, фуқароларнинг ҳаёт даражаси, сиёсий-ижтимоий фаоллиги ошиб бормоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимоя муҳтож қатламлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллик йилларида вилоятда амалга оширилган ишлар натижасида бир қатор йўналишларда ўсишга эришилди. Рақамларга қарайдиган бўлсак, биргина 2016-2021 йилларда вилоятимизда янги ҳудудий маҳсулотлар 2, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,4, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2,2 баробарга кўпайган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,9, асосий капиталга инвестициялар ҳажми 3,7, қурилиш ишлари 2,5, чакана савдо айланмаси 2,1, хизматлар ҳажми 2, ташқи савдо айланмаси 2, экспорт 2 баробарга ошган.

Президентимиз ташаббуси билан вилоятнинг ўсиш нуқталари, яъни драйверлари аниқланиб, фаол инвестиция сиёсатини юритиш мақсадида 2021 йил учун ҳам аниқ мақсадга қаратилган режалар белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15-16 апрель кунлари Самарқандга ташрифи давомида вилоятнинг саноат салоҳиятини ошириш учун қулай шарт-шaroитлар яратиш борасида берилган топшириқларига асосан «Ургут» эркин иқтисодий зонаси ҳудуди кенгайтирилмоқда. Ҳар бир туманда эркин иқтисодий зонанинг филиаллари ташкил этилмоқда. Бугунги кунда «Ургут» эркин иқтисодий зонасида умумий қиймати 431,4 миллион долларлик 94 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилаётган бўлса, келажақда янги лойиҳаларни амалга ошириш орқали саноат маҳсулотлари

ишлаб чиқариш салмоғини бир неча баробар ошириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, кичик саноат зоналари ҳудудини кенгайтириш, ёшларнинг ўз бизнесига эга бўлиши, «start up» лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳар ва туманлардаги 43,1 гектар ер майдонида «Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари»ни ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Белгиланган режага мувофиқ, 2021 йил 1 августга 4 та (Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари, Жомбой ва Ургут туманларидаги) ҳудудда ҳамда жорий йилнинг 1 сентябрга қадар қолган ҳудудларда «Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зона»ларини ишга тушириш режалаштирилган.

Вилоятда туризм ва хизматлар соҳасини ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, умумий қиймати 352,7 миллион АҚШ доллари бўлган «Самарқанд туристик маркази»нинг ташкил этилаётганлиги туризм соҳасини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, аҳолига янги ва замонавий хизмат турларини ташкил этиш мақсадида «Аутсорсинг» ва «Кейтеринг», «Органик зона»лар, «Ландромат», «Глэмминг», «Каршеринг», «Клининг», «Блокчейн», «Консалтинг», «Турист-такси», «Карго» каби янги хизмат турларини жорий этиш бўйича инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Кўпгина соҳалар каби вилоятнинг инвестицион салоҳиятини ошириш учун инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва хорижий сармоядорларни жалб қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

2020 йилда вилоят бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда давлат кафолати остида бўлмаган хорижий кредит маблағлари ҳисобига 225,8 миллион АҚШ долларлик инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, 2021 йилнинг январь-май ойларида 46,6 миллион долларлик инвестициялар ўзлаштирилган.

Бундан ташқари, ҳудудий дастурлар доирасида 2020 йилда 5,5 триллион сўмлик 1252 та лойиҳа ишга туширилган бўлса, 2021 йилнинг ўтган даврида 2,5 триллион сўмлик 580 та лойиҳа амалга оширилди.

Вилоятда саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт ҳажми 2020 йил якуни бўйича 335,3 миллион доллар бўлган бўлса, жорий йил бошдан буён 165,7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Амалга оширилган ишларнинг пировард мақсади халқни рози қилиш, қулай яшаш шaroити яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш. Бу йилда барчамиз бирлашиб ҳаракат қиладиган бўлсак, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини янада кўтаришга ҳиссамизни қўшган бўлаемиз.

Ойбек ХОДЖАЕВ,
вилоят ҳокимининг ўринбосари,
инвестициялар ва ташқи савдо
бошқармаси бошлиғи.

Шаҳар ҳокимининг қарори бекор қилинди

64 нафар мансабдор жаримага тортилди

Бизнес-омбудсманнинг вилоятдаги ходимларига жорий йилнинг 5 ойида тадбиркорлардан 235 та мурожаат келди ва уларнинг 203 таси кўриб чиқилди. Мурожаатларнинг 72 таси ижобий ҳал этилди, 131 тасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳаволалар қилинган ҳолда тушунтириш берилди.

Мурожаатларни соҳалар кесимида таҳлил қилсак, 60 та рухсатнома, лицензия ва ҳужжатлар расмийлаштириш, 40 та ер ажратиш ва компенсация, 36 та банк-кредит, 28 та суриштирув-тергов масаласи, 18 та солиқ, 10 та суд қарорлари ва 43 таси бошқа масалаларни ташкил этди. Мурожаатлар ҳамда таҳлиллар асосида тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан давлат органларига 76 та таъсир чоралари қўлланилди (8 та тақдирнома, 4 та даъво ариза ва 64 та маъмурий баённома).

Мисол учун, Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2020 йил 28 февралдаги қарори билан «KURGAN BROTHERS INVEST» МЧЖга замонавий лойиҳалар асосида энгил конструкцияли автобекат ташкил этиш учун ер майдони ажратиш ҳамда қурилишга рухсат бериш тўғрисидаги қарори Ер кодекси, «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонун талабларига зид равишда бекор қилинган. Шу боис, шаҳар ҳокимининг 2021 йил 11 январдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топил тўғрисида Самарқанд туманларо маъмурий судига даъво ариза киритилди.

Шунингдек, Бизнес-омбудсманнинг вилоятдаги ходимлари аралашуви билан тадбиркорлик фаолияти учун

17 нафар, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекциясидан 12 нафар, кадастр агентлигидан 5 нафар, агроинспекциядан 3 нафар, кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясидан 3 нафар, са-



3 миллиард сўмдан ортқ кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

Мисол учун, Пахтачи туманида фаолият юритувчи «Пахтачи автотех» МЧЖ раҳбари А.Тўрақулловнинг мурожаатига асосан, жамиятга 4 кун ичида АТ «Халқ банки»дан 1 миллиард 960 миллион сўм кредит ажратилди.

Бундан ташқари, назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлар ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши ўрганилиб, 3 203 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Бунинг натижасида 64 нафар мансабдор шахсдан 81 миллион сўм жарима ундирилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларида қонуний текшириш ўтказган 8 та назорат қилувчи органнинг 44 нафар мансабдор шахслари (солиқ идораларидан

нитария-эпидимиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматидан 2 нафар, қурилиш идораси ва Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасидан 1 нафар) га нисбатан қонуний чора кўрилди.

Мисол учун, 2021 йил 3 март куни кадастр агентлиги Самарқанд тумани бўлимининг 2 нафар раҳбар ходимлари «Карвон-Файз» МЧЖ фаолиятида қонуний текшириш ўтказганлиги учун уларга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилган. Суд қарори билан уларнинг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари - 9 миллион 800 минг сўмдан жарима жазоси қўлланилган.

Ш.ҲАМДАМОВ
Бизнес-омбудсман етакчи
инспектори.

Индаллосини айтганда...

Ота боласидан бировга шикоят қилолмай ичига ютса, бола отадан ҳар қадамда норози бўлиши мумкин экан. Шунда ҳам ичида чин дилдан боласини дуо қиларкан.

Яна бир қизиқ жиҳати, у зот боланинг ҳар қанча дарду ғамини кўтарса-да, лекин фарзанд ордидан келган яхшилик ва қувончини ўйинмай, йиғлаб юборар экан.

Абдурашид МИРЗААҲМЕДОВ,
фалсафа фанлари доктори.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ЙИЛ ДАВОМИДА «НОГИРОНЛИК» КА ЧИКОЛМАГАН АЁЛ

Шахлонинг турмуши унча ўхшамади, икки нафар қизи билан ота-онасининг уйига қайтиб келди. Бирининг имконияти чекланган. Афсуски, ота-онасининг ҳам аҳволи ҳаминқадар, қизи билан икки неварасининг тузукрок яшашу учун ҳатто шароит йўқ. Ушбуларни инobatга олган ҳолда туман ҳокимлиги ҳомийларни жалб қилиб, аёлга тўрт хонали уй қуриб бермоқда. Эҳтимол, кўпчилик яшаб турган уй бўлатуриб, нега бу аёлга уй қуриб берилаётганига ҳайрон қолиши мумкин. Аммо ишонаверинг, Шахло ота-онаси билан яшаётган уйни уй ҳисобига қўшиш жуда мушкул, ана-мана йиқиламан, деган уй бошпаданан кўра, бирор кун бўлган кишига шикаст етказиши эҳтимоли катта бўлган қурилма, дейиш мумкин. Қолаверса....



Бу аёлни ишга жойлаштириш иложсиз, сабаби, ногирон фарзандига ўзи қарши керак, - дейди Янгиратов-2 маҳалласи раиси Мавжуда Жўрабоева. - 4546 нафар аҳолининг 2217 нафари хотин-қизлар. Уларнинг 59 нафари «Аёллар дафтари»га киритилган. Ҳозирги кунда жуда кўп аёллар ҳаётда бўлган 5 нафарига рўйхатда қолди.

Шунингдек, маҳалламизда истиқомат қилувчи яна бир аёлни узоқ йиллардан бери ногиронлик нафақасига чиқаришга ўзим ҳам бир неча марта ҳаракат қилгандим. Рўҳий хасталиги, оила қурмаганлиги учун қаровчиси ҳам йўқ. Акалари билан бир уйда истиқомат қилса-да, қатор муаммолари бор хонадонда яшашини инobatга олиб, бу аёлга ҳам уй қуриб берилмоқда. Бундан аввал ҳам уни ногиронликка чиқариш учун бир неча бор ҳаракат қилганман. Афсуски, у ташкилотдан бу ташкилотга бор, қабилидаги гаплардан кейин иложи бўлмаганди. «Аёллар дафтари»нинг яхши томони шунда бўлдики, бу масала билан фақатгина маҳалла шугулланмапти. Аксинча, барча ташкилотлар ушбу дафтarda аёлларни рўйхатдан чиқариш бўйича бир бўлиб ҳаракат қилаётгани аҳолининг муаммоларини ўз вақтида ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

ЧЕККА ҚИШЛОҚДАН РЕСПУБЛИКАГА ТАРҚАЛАЁТГАН МАХСУЛОТ

Туманнинг Бобур маҳалласида 40 нафар аёл дафтarda рўйхатга олинган. Ушбу маҳалладаги

ИЛОН МАСККА МАКТУБ ЁЗГАН ОҚДАРЁЛИК ТАДБИРКОР ОИЛА

туман «Аёллар дафтари»га таъсир ўтказгани ростми?

хотин-қизларнинг сони ҳам икки мингдан зиёд. Маҳалла аҳолиси чорва, деҳқончилик билан шугулланиши баробарида улар орасида иссиқхона ташкил қилганлар ҳам кўп. Маҳаллада фаолияти кенгайтирилган тикув цехи туфайли шу йил бир неча хотин-қиз аниқ иш жойига эга бўлди.

«Бунёджон-Комронжон» тикув цехидаги тайёр маҳсулотларни кўрарканмиз, ҳайратимизни яширолмадик. Сабаби, бозор расталарида, дўконларда биз чет элдан келтирилади, деган тахмин билан харид қилинаётган кўрпа, ёстиқлар чекка бир кишлоқда тикиб сотилаётганига ишонгинг келмайди. Цех мутасаддиларининг айтишича, 350 хилда, бир кунда юзлаб кўрпани қавши имконияти мавжуд ускуна келтирилгач, улар чиқараётган маҳсулотлар сони ҳам бир неча бараварга ортди. Хилма-хил мато ва қалинликдаги, турли кўринишдаги киши, баҳорги кўрпалар, юшоқ ёпинчиклар, турли кўринишдаги ёстиқлару кўрпажилдлар нозик дидли харидорнинг ҳам эътиборидан четда қолмайди.

Шу йил баҳман кўрпаларни ҳам янгича дизайнда қавиб, харидорларга етказишга ҳаракат қилдик, - дейди турмуш ўртоғидан эрта айрилиб, тўрт фарзандини ёлғиз ўзи тарбиялаётгани учун «Аёллар дафтари»га тушган Умида Азаматова. - Харидорларга маъқул тушишига қараб, уларнинг сонини оширамиз. Шу цехдаги фаолиятим туфайли фарзандларимни боқяпман, турмушимни юртяпман. Шунинг учун кўпроқ изланишга, яхшироқ ишлашга, харидорларга маъқул келадиган маҳсулотлар тикишга ҳаракат қиламиз.

ИЛОН МАСККА МАКТУБ ЁЗГАН, TESLA БИЛАН ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАГАН ТАДБИРКОР

Юқорида чекка кишлоқдан республикага тарқалаётган маҳсулот ҳақида айтгандим. Оқдарё тумани бўйлаб сафарни давом эттирарканмиз, нафақат республика, балки бутун дунёга экспорт қиладиган корхоналар фаолиятига дуч келдик. Мавзу тумандаги ишлаб чиқариш корхоналари эмас, аммо айнан шу корхоналарда хотин-қизларнинг бандлиги таъминланаётгани, кўпроқ ходимлари аёл киши эканлигини инobatга олиб, улар ҳақида ўтказ-

либ ўтдик. Гап тумандаги Пичоқчи маҳалласи ҳақида кетмоқда.

Маҳалламизда ишлаб чиқариш корхоналари кўп ва уларнинг аксариятида маҳалланинг хотин-қизлари банд, - дейди Пичоқчи маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўринбосари Зари-фа Турсунмуродова. - Мағиз экспорти билан шугулланувчи ўнлаб корхоналар бор, шунингдек, бошқа ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув маркалари, тикувчилик цехлари фаолият кўрсатади. Ёнғоқни чакиб, мағзини ажратиб, саралаш, қадоқлаш каби ишларни цехларда хотин-қизлар бажаради, баъзи хонадонларда оила аъзоларининг барчаси шу иш билан машғул бўлади.

Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, албатта. «Pichokchi dry fruits» LTD корхонасига борганимизда, бу ерда улкан қурилиш ишлари кетаётганига гувоҳ бўлдик.

Айни кунда қуруқ мева маҳсулотларини қайта ишлаш учун йирик мажмуа қурилиши амалга оширилляпти, - дейди «Pichokchi dry fruits» LTD корхонаси директори ёрданчиси Шодиёрхон Абдувойитов. - 2 гектар ерда қуриляётган ушбу мажмуада меваларни қайта ишлаш, қуришти, мева ва сабзавотларни крем ҳолига келтириш, қадоқлаш каби ишлар амалга оширилади. Жами 4 миллион АҚШ доллари қийматидаги, икки миллион доллари турк инвесторлари томонидан ажратилаётган лойиҳа шу йил охирига қадар ишга тушиши режалашти-



рилган. У ишга тушса шу атрофдаги 200 нафар аҳоли доимий иш билан таъминланади. Мажмуа фақатгина меваларни қайта ишловчи цехлардангина иборат эмас, бу ерда ўзига хос тарзда логистика маркази ҳам барпо этилади.

Лойиҳа доирасида нафақат меваларни қайта ишлаш цехлари, балки бошқа янгиликларни ҳам

амалга ошириш ниятидамиз. Яқинда Tesla компанияси раҳбари Илон Маскка интернет орқали мактуб ёздим. Тадбиркорлигимиз, режаларим ҳақида фикр билдиргач, у билан ҳамкорлик қилиш ҳақидаги аниқ таклифларимни билдирдим. Бунга қарангки, орадан кўп ўтмай, ундан жавоб хати келди. Мажмуа ёнида электр манбаи билан ҳаракатланадиган автомобилларни қувватлантиришга мўлжалланган шохобча қуришни ҳам режалаштирганмиз. Бизда электрда юрадиган автомобиллар саноклику, бу шохобчадан нима наф, деб ҳайрон қолаётган бўлишимиз табиий. Аммо яқин келажакда бу автомобиллар мамлакатимизда ҳам оммалашади, ҳар ҳолда бир тадбиркор сифатида бунга ишонаман.

Айни кунда ҳам ўнлаб хориз давлатларига маҳсулотини экспорт қиладиган ушбу корхона раҳбари фаолиятини аслида бундан 20 йиллар аввал, 10 кило ёнғоқ мағзи сотиш билан бошлаган бўлса, бугун улар йилига бир миллион долларлик маҳсулот экспорти билан шугулланади. Айнан шу тадбиркор фаолияти туфайли бугун маҳаллада ўнлаб шу йўналишдаги корхоналар вужудга келган. Шунингдек, яна ўнлаб бошқа турдаги тадбиркорлар ўз ишини давом эттирмоқда. Яъни, фалончи иш бошлади, ўхшадик, биз ҳам бир уриниб кўрайлик, деган умидда тикувчилик цехи очган, ўқув маркази-ю, бошқа йўналишда иш бошлаганлар сони ортди.

«ДЕВОРГА ПУЛ САРФЛАБ, УНИ ТОМОША ҚИЛИШДАН НИМА НАФ?»

Шу маҳаллада истиқомат қилувчи Эргашевлар оиласи Россияда ишлаб келгач, бор пулини тадбиркорликка тикди.

Мен ҳам аввалига бошқа аёллар сингари ишлаб топган пулимизга уйимизни чиройли таъмирлайлик, яхшироқ машина олайлик, дея турмуш ўртоғим билан бироз айтишиб қолгандим, - дейди «Ok fabric» корхонаси иш бошқарувчиси Азиза Эгамқулова. - Аммо турмуш ўртоғим, бошқа таклифни билдирди. «Бор пулни деворга сарфлаб, кейин уни ордан-о томоша қилиб ўтирамизми, ўйлаб кўр», деган Россияда ўзимиз ишлаган цехларни кўз олдимга келтирдим. Кичикроқ цех ташкил қилсакчи, дея маблағимизни чамалаб, тикув машинкаларни харид қилдик, пахтали футболка ва бошқа кийим-кечаклар тика бошладик. Афсуски, ишимиз унчалик ўхшамади. Сабаби, биз бозорни тўлиқ ўрганма-

гандик. Бор пулимизни тиккандик, ускуналар келтирганмиз. Бошқа маҳсулот тикишга ўтдик. У ҳам биз ўйлаганчалик бозорда харидоргир бўлмади. Изланиш, ўрганишга давом этдик. Миниб юрган машинамизни ҳам сотиб, янгича йўналишда иш бошладик. Яъни, энди автоомобиль ўриндиқларига қопламалар тика бошладик. Ҳозир саккиз нафар хотин-қизини иш билан таъминладик. Туман ҳокимлиги машинкалар олишимизга ҳам ёрдам берди. Ишимизни кен-



гайтириб, бошқа вилоятлардан ҳам харидорларни кўпайтирсак, янаям кўпроқ хотин-қизларни ишли қиламиз, деган умиддаман.

Дарвоқе, туман бўйлаб хизмат сафаримиз давомида халқ оғзига ижоди тариготи йўналишдаги танловга ҳам бирров бош сўкишга тўғри келди. Жўшқин овозда лапарлар куйлаётган 82 ёшли онахоннинг шаштига ҳавас қилдик. «Қани эди маҳалламизда фольклор ансамблларни тузишга бош-қош бўладиган бир маскан бўлсайди. Ахир орамизда лапарларни маромига етказиб айтадиган онахонлар кўп-да», дейди кумушкентлик Саида она Бозорова.

ИККИ МАҲАЛЛА, ИККИ КЎРСАТКИЧ

Буни қарангки, айнан ишлаб чиқариш яхши бўлган маҳаллаларда рўйхатдаги аёллар сони ҳам кам экан. Мисол учун, Янгиратов-2 маҳалласидаги икки мингдан зиёд хотин-қизлардан 60 нафари дафтarda киритилган бўлса, Пичоқчида 3600 нафар хотин-қизлар истиқомат қилса-да, уларнинг 35 нафари ушбу рўйхатда. Яъни, биринчи маҳаллада ҳар минг нафар хотин-қизларга 30 нафар эҳтиёжманд аёллар тўғри келса, Пичоқчида бу кўрсаткич 10 нафари ташкил этмоқда. Шу рақамнинг ўзи тадбиркорни қўллаш, унга имкон бериш ва ривожлантириш, шу маҳалланинг, ҳатто туманнинг нафақат иқтисоди кўтарилишига, балки аҳоли саломатлиги-ю, яшаш шароитига ижобий таъсир кўрсатиши, турли ижтимоий муаммоларига барҳам беришда муҳим онал санади. Шу жумладан, хотин-қизлар муаммоларига ҳам. Ҳар туманда Пичоқчилар кўпайса қанийди, бунинг учун нима қилиш керак? Эҳтимол, кейинги мақолаларимиз шу мавзуда бўлар...

Гулрўх МҶМИНОВА, «Зарафшон» муҳбири.

Банкдан Россияга жўнатган 20 МИНГ ДОЛЛАР

пулим изсиз йўқолди

Тадбиркорман. Фаолият юритишимда зарур бўлганлиги боис Россиядан замонавий асбоб-ускуналар харид қилишимга тўғри келди. Бунинг учун айни вақтда Москва шаҳрида ишлаётган қайсинглим Зарнигор Ваҳобова номига пул жўнатишим лозим эди. Шу мақсадда жорий йилнинг 2 ва 3 февраль кунлари «Узсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд вилояти Амир Темур филиалига бордим. Банк ходимларига Россияга 20 минг АҚШ доллари жўнатишим кераклигини айтганимда улар «Бунча катта валюта суммасини бир киши бир кунда четга жўнатиши қонунчилигимизда кўзда тутилмаган. Бир фуқаро фақат 5 минг доллар жўнатиши мумкин», дейишди.

Қонун-қонун-да, рози бўлдим ва турмуш ўртоғимни банкка чақириб, у билан бирга «CONTACT» халқаро пул ўтказмаси орқали биринчи кун 5 минг доллардан жами 10 минг, иккинчи кун яна шу банкдан қолган 10 минг доллари жўнатдик. Бунинг учун 100 АҚШ доллари хизмат ҳақи тўладим. Тўрт марта 5 минг доллардан амалга оширилган пул жўнатмаси учун алоҳида-алоҳида код рақами беришди. Банкдан чиқиб «Уйга боргандан кейин Зарнигорга телефон қилиб, ушбу жўнатмаларнинг код рақамлари ва суммасини айтдим», дедик ва йўлга чиқдик. Орадан 1,5 соат ўтгач, телефон рақамимга «Сиз жўнатган пул ечиб олинди», деган мазмунда СМС хабари келди.

Ҳайрон қолдим: ахир биз ҳали Зарнигорга пул жўнатганимизни, унинг микдори қанчалиги, банкдан олиш учун код рақамларини айтмадик-ку?! У пулни қандай олди экан?.. Дарҳол у билан телефон орқали боғландик. Табиийки, Зарнигор ишончасида эканлигини, унинг номига қачон, қанча пул жўнатганимизни билмаслиги, шу боис банкка

бормаганлиги ва пулни олмаганлигини айтди. Балки СМС хабари нотўғри келгандир, деган фикр билан уни Москвадаги банкка бориб, биз жўнатган кодлар ва суммани айтишини тайинладик. Афсуски, у борса, банк ходими қилган ҳам бу ўтказмалар бўйича келган пул олинганини билдирибди.

Эртаси куни «Узсаноатқурилишбанк»нинг Амир Темур филиалига бориб, бўлган ҳолатни ташунтирдим. Банкдагилар «Сиз Зарнигор Ваҳобова номига жўнатган бўлсангиз, ундан бошқа одам пулни олиши мумкин эмас», дея жавоб беришди. Шундан кейин югур-югур бошланди. Аниқланишича, мен пулни «CONTACT» халқаро пул ўтказмаси орқали манзилсиз тарзда Москвага жўнатганман (бу мижозларга қулайлик тарзида амал қилинаркан), уни Россиянинг ҳар қандай нуқтасидан олиш мумкин экан. Шунинг учун пул Россиянинг Самара область Жигуловский шаҳридаги «КС» банкидан ечиб олинган. Лекин пулни Москва шаҳрида ишлаётган қайсинглим 1000 километр олисдаги банкка бориб олмаганлиги аниқ. Яъни, пулни бошқа киши ноқонуний йўллар билан олган.

Бу борада кўмак сўраб, аввал филиал бошлиғи, кейин банкнинг вилоят филиали раҳбари, Марказий банк вилоят бошқармасига бордим, муаммо ҳал бўлавермагач, ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилдим. Уларнинг оғзаки ҳам, ёзма ҳам жавоби битта: «Пулни қайсинглингиз олган, бу ҳақда «CONTACT» халқаро пул тизимининг асословчи ҳужжатлари бор!».

Аммо банк раҳбар-ходимлари менга ана шу асослантирувчи ҳужжатни кўрсатар олмапти. Мең эса тўрт ярим ойдирик, сарсонман. «Узсаноатқурилишбанк» АТБ Амир Темур филиали бошқа-

рувчиси Ф.Ҳамидов «Қайсинглингиз Самара областидаги пул ечиб олинган «КС» банкига мурожаат қилсин», дейди. Хўш, нега? Банклар-чи? Ахир мен шу суммани жўнатиш учун банкка 100 АҚШ доллари хизмат ҳақи тўладим, бу сумманинг бир қисми ўзларидан қолса, бир қисми Россиядаги ҳамкорлик қилаётган ўша банклар ҳисоб рақамига тушганку. Қани бу ерда мижознинг ҳимояси, манфаати? Нега улар фибригарлик ёки ўғрилик содир бўлаётганини эшитган захоти ҳолат билан жиддий шугулланишмайди? Бу ҳолатдан мижоздан кўра улар кўпроқ ташвишга тушиши керак эмасми? Чунки бу ҳолат орқали банкчи, мен пулни «CONTACT» халқаро пул ўтказмасининг обрў ва манфаатларига путур етати-ку?!

Хуллас, мен банк ходимларидан масалага ойдинлик киритадиган биргина ҳолатни талаб қилаяпман. Бу – Самаранинг Жигуловский шаҳридаги «КС» банкидан мен жўнатган пулни ким олган? Қайсинглим Зарнигор Ваҳобовани, банк ходимими, бошқа одамми? Бунга аниқлаш асло қийин эмас. Бунинг учун ўша вақтдаги видеоларга керак, холос. Чунки «КС» банкидан пул олинган сана ва вақт аниқ. Демак, шу вақтда банкка ким келган ва ким олган? Қайсинглим бўлса, унинг пулни олиш учун паспорт нусхаси, имзоси бўлади. Бошқа бўлса, масала ойдинлашади.

Рости, ўтган вақт давомида шубҳалар остида азоб чекапман. Тадбиркорлигим ҳам бир неча йилларга орта кетгани ҳам бор гап. Қолаверса, 20 минг АҚШ доллари оз пул эмас, бир тадбиркорни ё бор, ё йўқ қилади. Масала ечимини мутасаддилардан кўмак сўрайман.

Наврўз АБДУЛЛАЕВ, Самарқанд шаҳри.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожига ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг ўрни бекиёс. Шу билан бирга оила фаровонлиги ва ҳаёт сифат даражаси кўп жиҳатдан оилавий тадбиркорликни амалга ошириш йўли билан топилган даромадга ҳам боғлиқ.

Маълумотларга кўра, 2021 йил 1 май ҳолатида Самарқанд вилоятида рўйхатдан ўтган 8008 та оилавий корхонанинг 7479 таси фаолият юритмоқда. Йилнинг ўтган тўрт ойи давомида 930 та янги оилавий корхона ташкил этилган. Оилавий корхоналар сони бўйича Самарқанд шаҳри (165 та), Паст Дарғом (121 та) ва Самарқанд тумани (112 та) етакчи бўлса, Нуробод туманида атиги 3 та, Қўшрабодта 8 та, Пахтачи туманида 10 та экан. Ушбу ҳолат вилоятимизнинг айрим ҳудудларида оилавий корхоналарни ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида олиб борилган ишларни Нарпай тумани мисолида таҳлил қилсак. 2021 йил 1 январь ҳолатида мазкур туман бўйича рўйхатдан ўтган оилавий корхоналарнинг сони 224 тани ташкил этган ва уларнинг 218 таси фаолият кўрсатиб турган. Ўтган йилнинг ўзида 112 та шу турдаги корхона очилиб, 7 таси туғатилган. Оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Нарпай тумани вилоятда саккизинчи ўринни эгаллайди.

Тумандаги оилавий корхоналарнинг 109 таси савдо соҳасига, 55 таси санoатга, 24 таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларга, 14 таси кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалигига тўғри келади.

Оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш таснифига кўра, туман ўрта даражадаги «сарик» тоифага хос ҳудуд ҳисобланади. Яъни, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда ушбу тармоқнинг ўрни етарли эмас.

Нарпайда оилавий тадбиркорликни ривожлантирса бўлади(ми?)



Ҳудудда хизматлар соҳасининг ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш каби фаолият йўналишларида оилавий тадбиркорлик субъектлари деярли мавжуд эмас. Шу боис, туманда «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида хизматлар соҳасидаги лойиҳаларни кредитлашга устуворлик берилиши мақсада мувофиқ. Шунингдек, «сарик» тоифадан «яшил» тоифадаги ҳудудга ўтиш бўйича аниқ режалаштирилган «йўл харитасини» ишлаб чиқиш таклиф этилади.

2020 йилда Нарпай туманида оилавий тадбиркорликнинг секторбай ва маҳаллабай ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш асосида 2021 йил учун туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида оилавий тадбиркорлик йўналиши ҳам белгиланди ва бу борадаги муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Бунда биринчидан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича вилоят кўрсаткичлари даражасига эришиш, бунинг учун ҳар бир маҳалла кесимида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш

бўйича аниқ йўналишларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, хизматлар соҳасининг ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш каби фаолият йўналишларида оилавий тадбиркорликни ташкил этишни жадаллаштириш лозим. Зеро, ушбу хизматларга талаб кўпаймоқда, талаб бор жойда таклиф шунга мос бўлиши керак.

Учинчидан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун давлат томонидан ажратилаётган субсидиялар ҳажмини «яшил» – 5 фоиз, «сарик» – 15 фоиз ва «қизил» тоифадаги маҳаллаларга – 80 фоизгача табақалаштирилган ҳолда ажратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Гулнора ШОДИЕВА, Самарқанд иқтисодий ва сервис институти профессори. Шухрат ҚУВОНДИҚОВ, докторант.

71 ҳолатда озиқ-овқат маҳсулотларини маркировкалаш қоидалари бузилган

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида истеъмолчининг асосий ҳуқуқларидан Қирибу товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш эканлиги ҳамда товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши белгилаб қўйилган.

Мазкур қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шартлиги, 11-моддасига кўра эса, сотувчиларга ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилиқ мuddати кўрсатилмаган ёки яроқлилиқ мuddати ўтган товарларни қабул қилиш ҳамда реализация қилиш ман этилиши кўрсатилган.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, озиқ-овқат маҳсулотининг тайёрланган санаси, яроқлилиқ мuddати тўғрисидаги маълумотлар – маҳсулот тамғасида кўрсатилган шарт.

Аммо бугунги кунда таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларига ҳар доим ҳам амал қилинмаяпти. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари маркировкаси ва хавфсизлигига қўйилган талабларга, маркировкалаш қоидаларига тўлиқ риоя қилинмаслиқ ҳолатлари учрамоқда. Ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган хабарларда (постларда) истеъмолчилар яроқлилиқ мuddати ўтган, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилиқ мuddати кўрсатилмаган, шунингдек, қалбақлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари юзасидан ўз этирозларини билдириб келади. Айниқса,

бундай эътирозлар ёз мавсумида кўпайиши салбий ҳолатдир. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий тузилмасига яроқлилиқ мuddати ўтган ёки ишлаб чиқариш санаси кўрсатилмаган товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситалари ва бошқаларни реализация қилиш билан боғлиқ 2020 йил ва жорий йилнинг ўтган даври давомида 20 га яқин мурожаатлар келиб тушган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари маркировкаси ва хавфсизлигига қўйилган талабларга риоя этилишини ўрганиш ҳамда ички бозорларда товарлар маркировкасига қўйилган талаблар, хусусан, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилиқ мuddати кўрсатилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари сотилиши ҳолатларини аниқлаш мақсадида ҳудудий тузилма томонидан вилоят ҳудудидаги чакана савдо объектиларида кузатувлар ўтказилди.

Жумладан, 14 иш кунини давомида 42 та савдо объектида кузатув йўли билан олинган маълумотларга кўра, уларда 71 та ҳолатда озиқ-овқат маҳсулотларини маркировкалаш қоидалари бузилганлиги қайд этилди.

Таҳлиллар давомида маркировкалаш қоидалари 26 та (36 %) ҳолатда қандолатчилик маҳсулотларида, 4 та (5%) ҳолатда сут маҳсулотларида, 8 та (11%) колбаса

маҳсулотларида, 13 та (18%) ун ва макарон маҳсулотларида ва 2 та (3%) ҳолатда қадокланган ўсимлик ёғи, 3 та (4%) ҳолатда қадокланган ичимлик суви маҳсулотларида бузилганлиги маълум бўлди.

Ўрганишлар давомида қайд этилган ҳолатлар бўйича 60 та ишлаб чиқарувчи корхоналарга амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини тушунтирган ҳолда ёзма огоҳлантириш хатлари берилди ва келгуси фаолиятда маркировкалаш қоидалари бузилишининг олди олинди.

Юқоридаги ҳолатлар ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва ижрочилар томонидан истеъмолчилар соғлиги ва хавфсизлиги учун жавобгарлиқни тўлақонли ҳис қилинмаётганлигидан далолат беради. Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини тўғри режалаштириш, ҳалол рақобат асосида иш юритиш ўрнига, маҳсулотлар яроқлилиқ мuddатларини қалбақлаштириш ёки уларни қўймаслиқ каби ноқонуний йўллардан фойдаланилмоқда.

Шу боис, истеъмолчиларнинг маҳсулотларини харид қилишда эътиборли бўлишини, ишлаб чиқарувчи ва чакана савдо корхоналарини озиқ-овқат маҳсулотларини тамғалаш (маркировкалаш) қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилинишини таъминлашни сўраймиз.

Яроқлилиқ мuddати ўтган, сақлаш шарт-шароитларига риоя қилинмаган маҳсулотларни истеъмол қилиш инсон соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкинлигини ёддан чиқармайлик.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги вилоят ҳудудий тузилмаси.

Қўшработ туманидаги 8-мактабгача таълим ташкилотига Қўшработ, Шова, Қовунчи, Ўразмат, Навкат маҳаллаларидан 150 нафар бола тарбияланади.

- Мактабгача таълим тизимига қаратайлаётган эътибор, чекка ҳудудларда ҳам замонвий боғчаларнинг барпо этилаётгани фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол вояга етишида муҳим омил, - дейди ташкилот директори Мархабо Усанова. - Муассасамиз 2019 йилда Инвестиция дастури асосида, 3 миллиард 260 миллион сўм маблағ эвазига қайта қурилди. Барча шароитларга эга замонвий боғчамизда машғулот интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда олиб борилади. Инглиз тили, рус тили, санъат ва спорт тўғрисидаги таълим қилинган.

Шунингдек, мазкур мактабгача таълим ташкилоти қошида Қовунчи ва Навкат қишлоқларида мобил



боғча ташкил этилмоқда. Болалар майдончаси қуриб битказилди ва “Ақлвой” автобуси Қўшработнинг олис ҳудудларига ҳам етиб борди.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

Жиноят изи йўқолмайди

Жорий йилнинг 7 май куни соат 06:15ларда туман ёнгиндан муҳофаза қилувчи 9-ёнгин қутқарув қисмининг навбатчилик хизматига Оқдарё тумани Лойиш маҳалласи, Янгибод кўчасида яшовчи фуқаро Э.Жўрабоевнинг хонадонидан ёнгин содир бўлганлиги тўғрисидаги хабар келиб тушди. 2 та ўт ўчириш машинаси зудлик билан етиб борганида ёнгин уйнинг катта қисмини қамраб олган эди. Ўт ўчирувчиларнинг хизмати сабабли тилсиз ёв соат 07:45да тўлиқ бартараф этилди.

Мутахассислар синчковлик билан ёнгин бўлган жойни кўздан кечирганлариде, 3 та бир-бирига туташмаган ёнгин ўчоқлари аниқланди ва бу ерда жиноят содир этилганлиги маълум бўлди.

Терговга қадар текширувларда, шу маҳаллада яшовчи Э.Салимжонов уйда ҳеч қим йўқлиги-

дан фойдаланиб, орқа девордан ошиб ҳовлига кирган ва хоналардан бирида бўлган 25 миллион сўмлик 11 турдаги аёллар тилла тақинчоқлари, бир дона 60 минг сўмлик аёллар кумуш узуги ва 2 жуфт 200 минг сўмлик зиракларни ўғирлаган. Сўнгра жиноят изларини яшириш мақсадида, хоналарга

ўт қўйиб, воқеа жойидан яширинган.

Туман ИИБ ҳузурдаги тергов бўлими ходимлари томонидан айбланувчи Э.Салимжоновга нисбатан Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми “а,г” бандлари ва 173-моддаси 2-қисми “в” банди билан жиноят иши бўйича судга оид қиммий ва ёнгин экспертизаси тайинланди. Воқеа жойидан олинган ашёвий далиллар ва тўпланган ҳужжатлар экспертизадан ўтказилди.

Айбланувчи жиноятини яшириш мақсадида уюштирган ёнгинда 5 та хонанинг шифти, томи ҳамда уй жиҳозлари ёниб, жабрланувчига кўп миқдорда моддий зарар етказилган.

Сирожиiddн СЛОВАДИНОВ, вилоят ФВБ ёнгин техник маркази бошлиғи.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!
Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгазининг 2021 йил 9 апрелдаги 199/28-VI-сонли қарорига асосан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар билан “1 сўм” бошланғич нархда “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Т/р	Объект номи	Балансда сақловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Умумий ер майдони (га.)	Қурилиш ости майдони (кв.м.)	Инвестиция мажбуриятлари			Фаолият тури	Савдо санаси	Ариза беришнинг охириги мuddати
						Микдори (млн.сўм)	Muddати	Иш ўрни			
1.	Бўш турган савдо дўкони	Булунғур тумани ҳокимлиги	Булунғур тумани Ниёзмат МФЙ	0,011	113,0	120,0	12 ой	1 та	-	21.07.2021 й.	23.07.2021 й.
2.	Собиқ эски идора биноси	Булунғур тумани ҳокимлиги	Булунғур тумани Ниёзмат МФЙ	0,021	213,0	350,0	12 ой	4 та	-	21.07.2021 й.	23.07.2021 й.
3.	Собиқ “Қўшработ” ширкат хўжалиги	Қўшработ тумани ҳокимлиги	Қўшработ тумани Бозоржой МФЙ	0,21	309,0	300,0	12 ой	4 та	Бўрдоқчилик ва чорва комплексини ташкил этиш	21.07.2021 й.	23.07.2021 й.
4.	Қурилиши тугалланмаган молхона биноси	Нарпай тумани ҳокимлиги	Нарпай тумани Болғали МФЙ	1,0	3600,0	700,0	12 ой	7 та	Бўрдоқчилик ва чорва комплексини ташкил этиш	21.07.2021 й.	23.07.2021 й.

Аукционда қатнашиш тартиби тўғрисида:
Ушбу объектларни “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги “Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” ДУКнинг “e-auksion.uz” сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари яқунлангандан кейин “e-auksion.uz” сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:
Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли им-

зога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар “e-auksion.uz” сайтида яратилган “Шахсий кабинет”лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг “Шахсий кабинети”га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб

хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтда кўрсатилган мuddатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:
Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошлангандан кўнра (вақтда) иштирокчилар “e-auksion.uz” сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда “Шахсий кабинет”га кирилади ва “Кабинет”га ўтилгандан сўнг “Менинг аукционларим” бўлиминдан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан “Иштирок этиши тасдиқлаш” сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш кунини соат 9:00 да бошланади).

Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошлангич иштирокчилардан ЛОТни бошлангич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклиф-

ни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчилардан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда яқунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан

кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш учун манзил: Самарқанд шаҳри Камол Отатурк кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими.

Маълумот учун телефонлар:
66-233-73-54, 91-537-32-12
Факс: 66-233-73-54

“Facebook”даги расмий саҳифа:
Sam Dav Aktiv

Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қоракўзов Абдуазиз Нуриддинович нотариал идорасида марҳум Хужамова Хурсанга (2017 йил 22 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қоракўзов Абдуазиз Нуриддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Ургут тумани Почвон маҳалласи.

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қоракўзов Абдуазиз Нуриддинович нотариал идорасида марҳум Ўсаров Шодиярга (2008 йил 7 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қоракўзов Абдуазиз Нуриддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Ургут тумани Почвон маҳалласи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Аблақулов Абдухамид Каримовичга (2020 йил 8 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасида марҳум Хусенова Додаройга (2021 йил 20 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Ургут шаҳарчаси Навоий шоҳқўчаси.

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасида марҳум Махмудов Марди Махмудовичга (2018 йил 20 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Садуллаев Жамшидхон Сафохонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Оқдарё тумани Лойиш шаҳарчаси Амир Темур кўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Насонов Вячеслав Евгеньевичга (2005 йил 2 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сотувчи «NUROBOD TA'SIS SAVDO» МЧЖ сотиб олувчи Очилова Ирода Холмурод қизи ўртасида Нуробод тумани Тегирмонбоши маҳалласи ҳудудида жойлашган савдо дўкони биноси учун «Бест Реалтор» МЧЖ Самарқанд филиали воситачилигида тўғридан тўғри музокаралар ўтказиш натижасида 2018 йил 31 июлдаги 192-сонли келишув баённомаси ҳамда мазкур баённома асосида 2018 йил 31 июлда тузилган 192-А рақамли олди-сотди шартномасининг сотиб олувчидаги нуқсаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 12-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Ибрагимова Нилуфар Абдукаҳоровна номига берилган U № 1691496 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд автомобиль ва йўллар коллежидан 2019 йилда Абдуллаев Ферузон Фарход ўғли номига берил-

ган рўйхат рақами 311, К № 5555974 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 45-ўрта мактабдан 1994 йилда Махмудова Хулқар Мардиёева номига берилган А № 494717 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Ахмедова Гулчехра Рахматиллаевна номига берилган O'R-B № 1071967 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлок туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабидан 2014 йилда Шарипов Максуд Мариб ўғли номига берилган U № 6415469 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги собиқ 14-ўрта мактабдан (ҳозирги Самарқанд шаҳрида-

ги 73-умумий ўрта таълим мактабидан) 1991 йилда Халимов Самад Салимович номига берилган А № 013810 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ҲАҚИҚИЙ ҲИСОБЛАНМАЙДИ!
«Зарафшон» газетасининг 2021 йил 15 июнь, 69-сонини, 3-саҳифасида «Бекор қилинади» сарлавҳаси остида Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежидан 2020 йилда Ибрагимова Садоқат Хурсанбоевна номига берилган рўйхат рақами 405, К № 5599511 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилиниши ҳақида эълон чоп этилган. Ушбу диплом ва унинг иловаси топилганлиги сабабли эълон ҳақиқий ҳисобланмайди.

Самарқанд давлат университети биология факультети жамоаси ботаника кафедраси мудири, профессор Хислат Ҳайдаровга уқаси
Суръат ҲАЙДАРОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Ўтмишда Каттақўрғонда биронта маданият ва санъат даргоҳи йўқ эди. Истеъдодли санъаткорлар ўз маҳоратини тўлиқ-маъракаларда, чойхоналарда, Наврўз сайилларида намойиш этарди.

Аммо махсус жойларда томошалар кўрсатилмас ва, халқ қалбида санъатга ишқибозлик кучли бўлган.

"1919 йилнинг бошларида, - деб ёзади шоир А.Мажидий, - бир театру тузилиб, икки-уч бор ўйнади. Аммо яхши раҳбар бўлмаганидан тарқалиб кетди. Шундан кейин ёш бухороликлар ила татар қардошларимиз қўшилишиб бир труппа туздилар. Бу ҳам уч-тўрт марта ўйнагандан сўнг тарқалиб кетди. Ўтган йили Тошкентдан Ғулом Зафарий бошчилигидаги Ўзбек давлат театруси келиб, тўрт-беш кун томоша берди. Бундан таъсирланиб, яна ишга киришдик. Труппани қайта тузиб, ўртоқ Ғулом Зафарийни таклиф этдик. Ул киши ўз театруни тажрибаларини сўзлаб берди..."

Таассуфки, зарур асбоблар етишмаганидан биз ҳамон қийналадурмиз. Уезд раҳбарларининг эса ёрдамларини кўрмаётимиз. Энди биз ҳукумат раҳбарлари, маорифпарварларимиздан талаб қилишимиз: сахнамизнинг расмий сахна бўлиши учун ижтимоий (моддий ёрдам) сарф қилингиз. Каттақўрғон сахнаси сизларнинг ёрдамингизга муҳтождир".

Ҳарқалай танқидий мақола оқибатсиз қолмади. Труппага моддий ёрдам уюштирилди. Раҳбарлики Мажидийнинг ўзи қўлга олиб, кўплаб истеъдодли ёшларни труппага жалб этди. Дастлабки бадий ҳаваскорлик тўғрисида қатнашиб юрган Хидир Бўронов, Мардон Ҳамроев, Нурбек Аҳмедов, Абдурауф Болтаев, Ғулом Элмуродовлар қаторига Тошпўлат Саъдий, Баҳри Жалилов, Умар Раҳимов, Худойберди Бойхонов, Қўзи Фармон, Маждид Саидов сингари кўплаб ёшлар келиб қўшилди.

Каттақўрғонда театр санъатига

Каттақўрғон театрига бир аср муқаддам тамал тоши қўйилган

пойдевор қўйилган кун 1921 йил 15 январда З.Саид ва М.Муҳаммадҷонон қаламига мансуб "Қонли кун" спектакли ўйналди. Асар 1916 йили Тошкентда бўлиб ўтган, мардикор олишга қарши чиққан халқ исёни ҳақида ҳикоя қилди.

Ўша пайтларда ўлкамизда вазият мураккаб бўлгани, иқтисодий танглик ҳукм сурганига қарамай, театр ижодий гуруҳини сақлаб туриш учун вилоят ижроия қўмитаси томонидан ўша даврдаги пул бириги билан 500 минг сўм маблағ ҳамда зарур ашё-анжомлар ажратилган. Театрнинг бадий раҳбарлиги Солиҳ Саидашев зиммасида бўлган.

Театр репертуарида К.Яшиннинг "Ўртоқлар", Х.Мухторовнинг "Муҳаббат гули", Ҳамзанин "Майсаранинги иши", Б.Раҳмоновнинг "Дили бошқа-ю, тили бошқа", Н.Гоголнинг "Уйлағини" каби асарлари асосида спектакллар жой олган эди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Каттақўрғондаги бу санъат маскани 1962 йилга қадар турли номлар билан юритилиб келинди. 1928 йили унга "Ҳақиқат" номи берилган бўлса, 1940 йилдан "Колхоз-совхоз театри" номи билан томошалар кўрсатилди. 1953-1961 йиллар орасида Каттақўрғон шаҳар мусиқали драма ва комедия театри деб аталди. 1962 йилда Каттақўрғон шаҳар Ўзбек давлат драма театри деб юритилди.

Шоир, режиссёр, драманавис

ҳажвчи Абдулҳамид Мажидий Каттақўрғон драма театрининг асосчиси бўлиб ўтган, мардикор олишга қарши чиққан халқ исёни ҳақида ҳикоя қилди.



Тожикистон, Қирғизистон, Россия, Туркменистон, Бошқирдистон, Татаристон республикалари бўйлаб ижодий сафарларда бўлди.

2004-2005 йилларда Тошкентда ўтган кўрик-фестивалларда гиёҳвандлик мавзусидаги "Қора вабо", инсонийлик фазилатлари ҳақидаги "Миршаб, қароқчи, айғоқчи ёхуд актёрлар ҳаётидан лавҳалар" спектакллари билан бир неча йўналишдаги мукофотларга сазовор бўлди.

Театрнинг бугунги ютуқларида Ўзбекистон халқ артистлари Ҳамронов Омонова, Хосият Азимова, Ҳадича Бобоқонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Раҳман Ризаев, Шамсиддин Аминов, Нусрат Ҳожиёв, Нуриддин Ўтаев, Ширин Мусаева, Абдуғани Абдуразақов, Муҳаббат Йўлдошева, Икром Хонимқулов, Гулбахор Мамедова, Даврон Қодиров, санъат арбоблари Рихси Орифҷонов, Неймат Шомуродов, Иброҳим Нурмонов, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими унвони соҳиблари Дадали Нишонов, Ноила Қораеваларнинг хизматлари катта.

Каттақўрғон сахнасида марҳум

санъаткорлар, режиссёр драматург Равшан Ёриев, Зайниддин Омонов, маҳоратли ижодкор Асрор Жумаев, Мэлс Тошев, созанда Рустам Эргашев, Шамсиддин Эргашев, Райҳона Ҳошимова, Розия Назарова, Зарил Зоиров, Суяр Усмонов, Фахриддин Аминовларнинг ўчмас излари қолди.

Театр жамоаси раҳбари Ботир Тугалов, бош режиссёр вазифасини бажарётган Ҳабибулла Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулбахор Мамедова, Даврон Қодиров, етакчи артистлар Анвар Қаршибоев, "Дўстлик" ордени соҳибаси Дилором Эгамова, Умурузок Тиллаев, "Шўхрат" медалга билан тақдирланган Гулнара Ризаева, Мўмина Абдурашидова ва истеъдодли ёш актёрларнинг театрининг бугунги ютуқларида хиссаи бор.

Бу даргоҳда сахналаштирилаётган спектаклларнинг барчаси томошабинлар қалбидан жой олган. Жумладан, Алишер Навоийнинг "Саъба сайёр", Абдулло Қодирийнинг "Тошпўлат тажанг нима дейди?", Маннон Уйғурнинг "Туркистон табиби", Саид Аҳмаднинг "Уфқ", Иван Букочаннинг "Қотил юраги", Шароф Бошбековнинг "Тентак фаршталар", Фармон Тошевнинг "Қалтис қадам" асари асосидаги спектакллар театр репертуарида муҳлисларга манзур бўлмоқда.

Театрда меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг қалбида бир истак бор. Бу- талабчан, диди баланд муҳлислар учун ажойиб асарлар сахналаштириш, томошабинларга руҳ ва завқ бағишлаш, муҳими, санъат даргоҳининг шухратини дунёга ёйиш.

Абдуазиз ҲОШИМОВ, Ўзбекистон Театр арбоблари ижодий уюшмаси аъзоси.

Мен 1944 йилда биринчи синфга ўқишга борганимда отам вилоят "Бухоро ҳақиқати" газетаси бош муҳаррири эди. Ўйда у кишини камдан-кам кўрардик, баъзида эрталаб-гача тахририятда қолиб кетарди. Дарсдан кейин ишхонасига борганимда баъзида хонасидаги диванда бошига газета тахламини қўйиб ётганини кўрганман.

Отанинг сабоғи

Журналист Салим Каримовни эслаб

Фронтдан янги хабарлар келди, тайёрлаб чоп этгунча тонг отиб қолди, - дерди.

Отам фарзандларига жуда меҳрибон эди. Қисқа суҳбатларда ҳам газета, китоб, илм ҳақида гаплашарди. Катта опанинг исмини Крупскаяга ҳавас қилиб, Надежда қўйган. Акамга инқилобчи Тельман исмини берган. Менинг исимим Акмал эди. "Акмал Икромовдек бўласан", дерди ҳазиллашиб. Аммо кейинчалик (эҳтимол А.Икромов қамалган) Тарас деб ўзгартиришди. Опамга эса Нодира деб исм қўйишди.

Тўғриси, биз давр шароитида улғайдик. Уруш йилларида асосан рус оилалари билан қўшни яшаганмиз. Мактабда ҳам рус тилида таълим олганмиз.

Гарчи, мамлакат эҳтиёжи учун бронь орқали фронтга юборилмаган бўлса-да, падари бузрукворим уруш шароитида ишларди. Кеча ва кундуз партия ёки ҳукумат топшириғи билан ҳали бу вилоятда, ҳали бу шаҳарда юрарди. Фронт учун ишлаётганлар ўртасида маърифий суҳбатлар ўтказарди.

Шундан сўнг отамни Бухоро вилояти партия қўмитаси кишлоқ хўжалик бўлими мудури этиб тасдиқлашди. Айтгандай, отам бундан олдин Нарпай туманида ҳам газетанда муҳаррир бўлиб ишлаган. Мен ўша ерда туғилганман.

1952 йилдан бошлаб Салим Каримов "Қизил Ўзбекистон" (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасининг Самарқанд вилояти бўйича муҳбири бўлди ва оиламиз қадимий шаҳарга кўчиб келди. Отам эса 1961 йилга қадар мамлакатдаги нуфузли нашрда масъул котиб бўлиб фаолият кўрсатди ва пенсияга чиқди.

Болалигимда уйимизга кўплаб



таниқли адиблар келишарди. Ота-онам дам олишга албатта, ижодкорларнинг оилалари билан бирга боришарди.

Отам бадий ижод билан ҳам шугулланган. Коллективлаштириш, урушдан кейинги тикланиш, меҳр-оқибат ҳақида "Қуёв", "Жумғиялар", "Наргиз" драмаларини, "Содиқ" повести ва "Нотинч Бухоро" романини ёзган. Сўнги асари "Зарафшон" газетасида чоп этилган эди. Отанинг айтишича, "Нотинч Бухоро" Садриддин Айний тавсияси билан ёзилган.

Салим Каримов ҳам, онам ҳам болалар уйида улғайишган. Улар камтарона, лекин ибратли умр кечирдилар. Акам Владимир Салимов отам изидан бориб, таниқли журналист бўлди. Мен автотранспорт соҳасини танладим, аммо вақтли матбуотга мақола ёзишни қанда қилмадим. Чунки падари бузрукворимнинг руҳи қўллаб турди.

Отам 1976 йилда вафот этди, васиятга кўра, у кишини Хўжа Ахрори Валий қабристонига дафн этдик.

Тарас КАРИМОВ.



27 июнь - Матбуот ва ОАВ ходимлари куни

Ушбу сурат 1995 йилда олинган.

Унда "Зарафшон" газетасига 1992-1997 йилларда муҳаррирлик қилган Ҳабиб Темиров (ўртада) Адҳам Ҳайитов, Азиз Йўлдошев, Исо Абдураҳмонов, Амрилло Аҳмедовлар билан газетанинг навбатдаги сонига бериладиган мақолаларни муҳокама қилмоқда.

Қўшработга театр келди

Эсимни таниганимдан бери туманимизда одамлар спектакль у ёқда турсин, катта экранда кинофильм томоша қилишганини эслолмайман.

Ёши катталарнинг айтишича, бугунги кунда туман марказида хароба аҳволга келиб қолган, айрим тadbиркорлар турли мақсадларда фойдаланиб келаётган кино-театр биносидан бир пайтлар бир кунда 5-6 маҳал бадий фильмлар, шунингдек, ойига камидан бир марта театр томошалари намойиш этилиб, санъаткорлар билан ижодий учрашувлар, концерт дастурлари ҳам тез-тез ўтказиб турилар экан.

Театр актёрлари томонидан сахналаштирилган спектакллари кўшработликлар шаҳарга борганда, имкон топиб кўрган бўлмаса, фақат телевизор орқалигина томоша қилган, десам ишонинг.

Бу йилги "Ёшлар куни" олдидан ўтказилаётган ойлик доирасида тадбирлар-

дан бири кўшработликлар учун сахна асарини жонли томоша қилиш имконини берди. Тумандаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фаоллар залида Каттақўрғон шаҳар драма театри ижодкорлари томонидан Абдулла Авлоний асари асосида сахналаштирилган "Адвокатлик осонми?" номли спектакль намойиш этилди. Тадбирда иштирок этган ҳар бир ёш ва ёши катталарнинг ҳам дилларидаги тилларига чиқди: "Бўлар экан-ку, олис ҳудудларда ҳам шунақа спектакллар намойиш қилинса. Ўзимизни оддийгина мусиқа мактаби залида эмас, махсус жиҳозланган катта театр биносига ўтиргандек ҳис қилдик".

Нафиса САЙФУЛЛАЕВА, Қўшработ туманидаги 81-мактаб ўқитувчиси.

«»» Инсон манзаралари «»»»

ҲАСАД

- Эшитдингизми, Нори аканинг ўғли Йигитали давлат гранти асосида ўқишга кирибди, - деди Гулсум хола Саидваққос акага чой узатар экан, мамнуңлик билан.
- Ниима? - Саидваққос ака илон чаққандай сапчиб тушди. - Анави Нори этикдўзининг ўғли-я? Бўлиши мумкин эмас, бизнинг тантиқбой репетиторда тайёргарлик қўриб, уч йилдан бунён киролмаяпти-ю, этикдўзининг ўғлига йўл бўлсин. Бу ерда бир гап бор.
- Қанақа гап бор? Йигиталининг болалиқдан қўлидан китоб тушмасди. Умри узок бўлсин, зап яхши бўлти-да, - Гулсум хола дуо қилди: «Йлоё менинг тантиқбойимга ҳам ўқишга кириш насиб этсин».

Саидваққос аканинг ичи қуйди. Хўмрайиб ўрнидан турди.
- Ўқишга кирган Нори этикдўзининг ўғли бўлса, сен нега бунча қувонасан, эси паст?
- Ҳавасим келяптида, отаси.
- Ҳали бунни аниқлаш керак, эй, ҳавасингдан ўргилдим. - Саидваққос ака зарда билан ўрнидан туриб, гузарга чиқиб кетди. Кўчада Қаюм сартарошни учратиб қолди.
- Уста, бу Норининг ўғли ўқишга кирибдими?
- Ҳа, Тошкентда катта ўқишга кирибди, маҳалламиздан насиб бўлса, дипломат чиқадиган бўлди,
- Қаюм сартарош Саидваққос акага хурсанд бўлиб қараб қўйди.
- Шунақами? - Саидваққос аканинг ичидан бир нарсачирт этиб узилгандек бўлди, кўксини чангаллаб, афтини буриштирганча сартарошхона олдидаги ўриндиқка чўкди.

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

2009 йил, сентябрь

Жорий йил вилоятда минерал ўғитни сотишга ихтисослашган 31 савдо шохобчаси ишга туширилди.

Вилоятда кам таъминланган оилаларга йил бошидан буён 1730 бош қорамол тарқатилди.

Самарқанд автомобиль заводида "SamAuto LE 60" автобусининг намунаси ишлаб чиқарилди.

23 сентябрь куни вилоят ҳокими Ў.Барноевнинг қарорига кўра, Суюн Раззоқов Нарпай тумани ҳокими этиб тайинланди.

октябрь

Кореянинг Йугнанг савдо-санот палатаси президенти Мун Беонг Гаон бошчилигидаги тадбиркорлар Самарқандга келди.

Вилоят пахтакорлари давлатга 238 минг тонна "оқ олтин" етказиб берди.

Вилоятда ўтган тўққиз ойда:

- инвестиция дастурлари доирасида 33 та лойиҳа амалга оширилиб, 14558,2 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилди;
- худудий тасарруфдаги корхоналар экспорти 51902,0 минг АҚШ долларини ташкил қилди;
- ўн икки турдаги 244 та хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаси ташкил этилди;
- кимёвий препаратлар сотишга ихтисослашган 21 та савдо дўкони ишга туширилди.

ноябрь

10 ноябрь куни вилоят ҳокими Ў.Барноевнинг қарорига кўра, Аб-думўмин Жўраев Паст Дарғом тумани ҳокими этиб тайинланди.

декабрь

Самарқанд шаҳридаги "Сино" очик акциядорлик жамиятида Кореянинг "LG" бренди остида совутиқичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

23 ИЮНЬ Абдулла НАСИМОВ - 1951 йилда Қўшработ туманида туғилган. Фан доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.

27 ИЮНЬ Эркин Хўжаев - 1939 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, профессор.

